

# ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсминаларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 50 (7027)

1999 йил 23 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



## КОРРУПЦИЯДА АЙБДОРЛАР

Германиянинг собиқ канцлери Гелмут Кол коррупцияда айбланмоқда. Кол христиан демократларининг раҳбари бўлиб ишлаган пайтда, ўз ҳисобига махфий рақамлар очганини тан олди. Аммо парламент уни жазолаш учун чекланган ваколатга эга. Шунга қарамасдан, Колни жиноятда айлашни прокуратура ҳал қилади.

\*\*\*

Халқаро Олимпия қўмитаси раиси Хуан Антонио Самаранч Американинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида қиши олимпиада ўтказилиши учун шаҳар ҳокимияти Олимпия қўмитасига пора берган.

## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ

Венесуэлалик 70 фоиз сайловчи президент Хуго Чавес ҳокимиятини кучайтирадиган янги конституцияни ёқлаб чиқиши. Президентнинг давлат бошқариш мuddati узайтирилди. Сенат бекор қилиниб, кўпроқ штатлар ва куролли кучларга имконият берилди.

ШОХРУҲ КАРИМБЕКОВ  
тайёрлади

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY KITOB PALATASI

Исломнинг дадаси бир кампирдан арzon баҳога радио-приёмник сотиб олиб келибди. Бундан хурсанд бўлган Ислом уни қўйса ишламасмиш.

-Эҳ, кампиди тушмагур, мени алдади-да, - дебди дадаси ҳам ҳўрсниб. Эртаси куни дадаси ишга кетганида Ислом мактабдан келиб, бузук радио-приёмникни кавлаштира бошлабди. Ойиси электр билан ўйнашма деб, уни койиса ҳам парво қилмасмиш. Чунки физикадан билағон ўртоқлари билан гаплашиб, радиоқурилма ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаб келган экан-да. Кечкурун дадаси ишдан қайтганда, ойиси Ислом бузук радио-приёмникни роса ағдар-тўнтар қилганини айтибди. Дадаси радио-приёмникнинг қўлоғини бураса, у бинойидек ишлабтаганини барниб дадаси Исломни келиб койиб қўйибди. Чунки электр билан билимлай ўйнашиш оқибати ҳамиша яхшилик билан тутамайди-да.

Гулноза ТЕМИРОВА,  
8- синф ўқувчиси.

## БИР МАКТАБДАН УЧ МАКТУБ

Авваллари биз Чкалов метросидан чиқиб то уйимизга боргунимизча роса қийналардик. Метро билан уйимизгача бўлган Тўрткўл кўчасидан қор, ёмғир ёқсан кунларида деярли юриб бўлмасди. Совуқ тушиб, ёғингарчиликлар бошланди, дегунча ота-оналаримиз ҳам, устозларимиз ҳам ташвишга тушишарди. Бу йил сайлов арафасида кўча асфальтлаштирилди.

Болапарвар, элпарвар, жонкуяр амакижонлар. Биз сизларга аъло ўқишимиз, тарбияли инсон бўлиб етишишимиз билан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Феруза БОТИРОВА,  
6- синф ўқувчиси.

Мен Фарруҳ, Мурод, Суръатлар 3- синф ўқувчиларимиз. Ўқишимиз лотин тилида. Бизга мана уч йилдирки, Барно опамиз дарс берадилар. Биз синфимиз билан уларни хурмат қиласиз. Мана, эшик қоқиб Янги йил кирмоқда. Фурсатдан фойдаланиб биз устозимиз Барно опани Янги йил билан кутлаб, уларга соғлиқ тилаймиз.

3-«А» синф ўқувчилари.

Тошкентдаги  
153- мактаб  
ўқувчиларининг  
мақолаларини  
Насриддин Ботир  
тайёрлади.

-Тур, турсангчи, ўзингдан каттага жой бермайсанми? Ҳой қизил қўйлакли бола, сенга гапирияпман, қулоғинг том битганми?

Автобус назоратчисининг овозини борича шанғиллаши йўловчиларнинг дикқатини ўзига тортди. Ҳамманинг нигоҳи ўша қизил қўйлакли болага қаратилди. Йўқ-йўқ, қаратилдигина эмас, ҳамма ҳар тарафдан жаврай бошлади.

-Ҳозирги ўшларнинг уяти қолмаган. Безрайиб ўтиришига қаранг.

-Ота-онаси тарбия бермаган экан...

Ҳар тарафдан отилган тош-



лар оғирлик қилдими, боланинг нигоҳлари бир зум ерга қадалди ва базур ўрнидан турди. Унинг ўрнига ёши каттароқ киши ўтириб ўлгурмаган эдики, боланинг оёқлари қалтираб ерга мункиб кетди. Атрофдаги одамларвой-войлаганча суюб турғизиши.

10-12 ўшлар чамасидаги бу бола

автобусда ортиқ кетолмаслигини ҳис қилди шекилли, навбатдаги бекатда тушиб қолди.

Ранглари оқариб кетган бу болакайнинг балки манзилига етиб келган, деб ўйларсиз. Йўқ, автобусдан кузатиб турдим. Бола автобусдан тушиши билан бекатдаги ўриндиқ ўтириб олди. Унинг кўзлари жудаям фамгин эди. Худди ҳозир кимдир яхши гапирса йиғлаб юборадиган ҳолатда эди.

Бундай воқеаларни сиз ҳам гувоҳи бўлгандирсиз, балки?

Сиз нима деб ўйлайсиз? Каталарнинг танбехи ўринлимиди?

Хосият РУСТАМОВА.

## БИР МУАЛЛИФДАН ИККИ ХАТ

ўз тарихини янада чуқур ўрганишга имкон беради.



Мустақиллик сабаб ўзлигимизни, тарихимизни англашга кенг имкониятлар очилди.

Тошкент вилояти ҳокимиятининг ташаббуси билан қадимги Шоҳруҳия ва Қонқа харобаларини қайта тиклаш ишлари бошлаб юборилган. Баъзи мактабларда тарихига, хусусан Шоҳруҳия ва Қонқа тарихига оид музейлар ташкил этилган. 19-умумтальим мактаби тарих ўқитувчиси Бахтиёр ака Жумақулов томонидан ҳам музей ташкил этилди. Бу музейда кўплаб тарихий, ашёвий манбалар бор. Бахтиёр ака ўз дарсларини ана шу музейда ўтадилар. Бу эса болаларга

\*\*\*  
Оққўргон туманидаги Абу Али ибн Сино номли мактаб ўқувчилари кўмир ёқиб иситадиган хоналарда ўқишарди. Кўшни мактаблар тўлиқ газлаштирилган-ку. Нега бу мактабни газлаштириш шу қадар муаммо бўлса? Бу аҳволдан безиган мактаб жамоаси ўқувчилар билан бирга синф хоналарни газлаштиришга киришдилар. Карабиски, ўқув хоналарининг ярмидан кўпроғи газлаштирилди. Насиб бўлса, ўқувчилар иссиққина хоналарда сабоқ олишади.

Шерқўзи ИМОНОВ.

**ХАСТА ДИЛГА МАЛХАМ**

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика болалар сүяк сили сихатгоҳи Буюк ипак йўлида жойлашган. Бу ерда болаликнинг дардли олами, ҳаёт синовларининг катта бардошлари, мурғак қалбнинг умид ва ишончлари даволанади.

Кўпдан ўйлаб юрган масканимга қадам қўяр эканман, бу ердаги озодалик ва саранжомликни кўриб, йўлакларга бежирим осилган дарпардалару чиройли гулларга кўзим тушиб, кўнглим кўтарилиди.

Сихатгоҳ илмий бўлим мудираси Мақсуда ЖАЛИЛОВА 24 йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қиласар экан. Ўрта мактаб ўқув ревжаларидан кескин фарқ қилувчи дарслар болаларнинг аҳволига қараб куннинг иккинчи ярмидан бошланади. Сихатгоҳда 218 нафар бола даволанмоқда. Шундан учта умумий синф мавжуд бўлиб, булар 5- ва 11- синфгача. 4 та бошлангич синф 1- дан 4- синфгача, боғча гурухлари эса иккита хонада жойлаштирилган. Дарслар болалар ётоқхоналарida ўтказилади. Даволаниб ўқиётган бемор болалар учун еттига юқори синф, тўртта бошлангич синф ўқитувчилари ажратилган. Бир қарашда фикримни тортган нарса- кўргазмалар хонасида фақат эскирган рус тилидаги китоблару эски альбомлар бўлди. Бугунги куннинг

талаби зукко, билимдон ўқувчи ни тарбиялаш эмасми? Бундай ҳаракатни у ердаги устозлар билсалар-да, етарли қўлланмалар ва янги нашрдан чиққан қизиқарли китоблар йўқ. Бу муаммони эса ҳомий ташкилот эмас, балки савобталаб инсонлар ҳал қилиши мумкинку...

Куёш ўзининг нурлари билан, инсон эса ўз саҳовати, меҳри билан азиз.

**СИХАТГОҲДА КЎРГАЗМА**

Биринчи қават йўлагида болалар ўзлари чизган расмлар кўргазмасини намойиш этишибди. Мақсuda опа ЖАЛИЛОВА билан бу расмларда ёруғниятлар, эзгу умидлар борлигига гувоҳ бўлдик. Асосийси, хаста қалбларда умид сари юзланганлик бор. «Менинг тўрт оёкли дўстларим» мавзусида

Дилшод Холиёров чизган расм ҳаётдаги вақтинчалик оғир синовга бардош билан

боқишиш кераклигини сўйлайди. Мурраббийларнинг ширин сўзлари, шифокорларнинг меҳридан кундан- кун соғайиб бораётган болалар яқин кунларда ўз баҳти онларига қайтадилар. Айтишадику, инсонни ҳамма нарса ташлаб кетса ҳам орзу ва умид ташлаб кетмайди, деб. Орзуларинг ойга етсин, Дилшод. Тезроқ соғайиб, отонанг бағрига қайтгина.

Жавлон Шокиров- 8 ёш. Навоий вилоятидан келган. Келганига бир йил бўлиди. Фақат бир жойда ётади. Йиллаб фақат бир жойда ётган Жавлонни айтишига қараганда у уйини, оиласини, ўртоқларини, мактабини жуда соғинган.

Ота-онасининг тез-тез келиб тургани, шифокорларнинг яхши даволагани учун ҳам унинг руҳи тетик. Бу тетиклик сени тарк этмасин, Жавлон. Тезроқ соғайигинда, дўстларинг даврасига қайт.

**ҚУВОНЧ**

Сихатгоҳнинг йигитлар хонаси дикқатимни тортиди. Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги 25-мактаб ўқувчиси



Ҳамиджон Рўзиевнинг кўзлари кўзимга тушганда, ундаги катта кувончга шерик бўлдим. Тўрт ойлик муолажадан сўнг, Ҳамиджон ўз уйига қайтар экан. Мен Ҳамиджонни келажакда қандай касб эгаси бўлишини сўрасам, у шифокор бўламан, деди. Ҳа, дилга нур, ҳаётга шуур бергувчи яхшилик ҳеч қачон унтилмайди.

Шоир Шавкат Раҳмон айтганидек:

*Эй, дилим,  
Дунёдан озурда бўлма,  
Келажак кунларга ишонмоқ  
хўлдир.  
Битта катта кунни кўрдинг  
ҳозирча,  
Бу элнинг каттакон кунлари  
кўлдир.*

Маъмура МАДРАҲИМОВА

**Туроб НИЁЗ****ҚУРУВЧИЛАР**

Қўлингиз гул қурувчилар,  
Йўлингиз гул қурувчилар,  
Үнгингиз гул қурувчилар,  
Сўлингиз гул қурувчилар.

Бунёдкорлик зўр савоб,  
Ватан амрига жавоб,  
Қўлингиз этай тавоб,  
Қўли гул қурувчилар,  
Йўли гул қурувчилар.

Хуснда қуёш, ойлар,  
Муҳташам кенг саройлар,  
Оромгоҳ, жаннат- жойлар,  
Қўли гул қурувчилар,  
Йўли гул қурувчилар,

Қишлоқ, шаҳар юз очар,  
Фавворалар зар сочар,  
Сиз- офтоб, зулмат қочар,  
Қўли гул қурувчилар,  
Йўли гул қурувчилар.

Бор каби қанотингиз,  
Юксак -да ҳаётингиз,  
Яратиш одатингиз,  
Қўли гул қурувчилар,  
Йўли гул қурувчилар.

**СЕВАМАН, СЕНИ ЭЛИМ**

Хар гиёҳ, ҳар тошингни,  
Сир, Жайхун кўз-қошингни.  
Серёду қуёшингни,  
Севаман, жоним элим.

Меҳнаткаш, мардлигингни,  
Шабнамдек пок дилингни,  
Жон баҳш ширин тилингни,  
Севаман, жоним элим.

Курилас илдизларинг,  
Порлаган юлдузларинг,  
Асл ўғил-қизларинг,  
Севаман, жоним элим.

Сел этар нолаларинг,  
Ўйлатар аллаларинг,  
Ўйнатар яллаларинг,  
Севаман, жоним элим.

Эзгу мақсад, ўйларинг,  
Эрк тиклаган бўйларинг,  
Ойдин, порлоқ йўлларинг,  
Севаман, жоним элим.

**УСТОЗЛАР**

Кўёшдек онгларга зиёлар сочиб,  
Юракларда янги дунёлар очиб,  
Меҳрингиз баҳорги дарёдек тошиб,  
Яшайсиз бизни деб азиз устозлар.

Биз айло ўқисак - кўкда бошингиз,  
Ёшариб кетади ҳатто ёшиңгиз,  
Бахтдан порлаб турар кўз қарашингиз,  
Яшайсиз бизни деб азиз устозлар.

Сиз борки келажак нурағшон бўлар,  
Рўёбга чиқади, орзулар ўйлар,  
Мадҳингизни Туроб кўшиқда куйлар,  
Бахтимизга омон бўлинг устозлар.

**ЎЗБЕКИСТОН ЧАМАН БОҒ**

Ўзбекистон чаман боғ,  
Ажраб бўлмас бир қучоқ,  
Келса бемор бўлар соғ,  
Кўнглида қолмайди доғ,  
Ўзбекистон чаман боғ.

Кунларинг гулга ўхшар,  
Тунларинг кунга ўхшар,  
Тупроғинг дурга ўхшар  
Ўзбекистон чаман боғ,  
Ажраб бўлмас бир қучоқ.

Айрилиқча бермай дош,  
Ўқиқдан кўтариб бош,  
Бағрингга шошар қуёш,  
Ўзбекистон чаман боғ,  
Ажраб бўлмас бир қучоқ.

Халқинг хур, озод яшар,  
Тақдиридан шод яшар,  
Қайғуларга ёт яшар,  
Ўзбекистон чаман боғ,  
Ажраб бўлмас бир қучоқ.



### ОЙМ ҲАМ ХҮРСАНД, МЕН ҲАМ...

-Мен 5- синфда ўқийман.- деди қизча кўзлари ёниб. - Бизнинг синфимизда 19 та ўқувчи бор. Шулардан тўртасигина қиз. Шунинг учун бўлса керак, синфимиз тўполончилар номини олган. Лекин ҳаммамиз “4” ва “5” баҳоларга ўқиймиз. Яқинда синфимизда беллашув бўлиб ўтди. Синфимиз ўзаро икки гурухга бўлиниб, куч синашдик. Беллашувга ота-оналаримизни ҳам таклиф этдик. Улар ҳам бизларга қўшилишиб кетишиди. Беллашув сўнггида эса синф раҳбаримиз Байходжаева Гулиса опамиз фолиб гурухни совғалар билан тақдирладилар.

-Ўзбек тилида адашмасдан сўзлашар экансиз, бу фандан сизга ким дарс беради?

-Ўзбек тилидан бизга Ноила опа Ибрагимовна сабоқ берардилар. Улар мана 44 йилдирки, биздек болаларга сабоқ бериб келаятилар. Бундан ташқари мактабимизда пайшанба- Ўзбек тилида сўзлашадиган кун, деб белгиланган. Шу куни ҳамма ўқувчилар мактабга келиб, то чиқиб кетгунимизча ўзбек тилида гаплашамиз.

Мен келажакда тикувчи бўлмоқчиман. Бичиш-тикишга жуда қизиқаман. Мактабимизда “Моҳир кўллар” тўгараги бор. Яқинда фартук тикишни ўргандим. Уни ойимларга совфа қилдим. Фартук уларга жуда ҳам ёқди. Мен ҳам хурсанд бўлдим.

Зарина МУХАММАДЖАНОВА,



. Мен сизларни Паркент туманидаги 35- ўрта мактаб билан таништирмоқчиман. Бу- тумандаги ягона рус мактаби бўлса-да, баъзи томонларидан бошқа мактаблардан-да катта ютуқларга эришган экан. Мактабга кираверишимда «1999-йил Аёллар йили», «И.А. Каримовга овоз берайлик», деган ёзувларга кўзим тушди. Бир тўп ўқувчилар менга соғ ўзбек тилида салом бериб ўтишиди. Уларнинг ҳаммаси мактаб формасида. Мактаб директори Квасова Наталья Фёдоровна ва илмий бўлим мудири Юлия Алимовналар янги йилда ўтказиладиган тадбирлар ҳақида сұхбатлашиб ўтишиган экан.

Мактаб директори билан дастлаб Маънавият ва маърифат хонасига кирдик. У ерда иқтидорли ўқувчиларнинг ёзган иншолари, болалар учун чиқарилаётган газета ва журнallардан намуналар, турли миллат ёзувчиларнинг маънавият ҳақида ёзган китоблари, уларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши ҳақида айтган ҳикматли сўзлари ўрин олган эди. Ўқувчиларнинг ўз қўллари билан тиккан турли-туман кашталари ҳам хона безагига bezak қўшиб турибди.

Мактабнинг иккинчи қаватида “Табиат музейи” бор экан. Бу музейдаги турли илдизлардан ясалган парранда ва хайвонларнинг ҳайкалчалари, сунъий гуллар, олмаю-шафтолиларни кўриб, ҳайратим ошди.

-Буларнинг ҳаммасини ўқувчилар ўз қўллари билан ясаган, деди директор.- Ўқувчиларимиз меҳнат ўқитувчилари ёрдамида дарсдан ташқари тўгаракларда шундай ишлар билан шугулланишади.

Болаларимиз жуда тиришқоқ. Республикамиз бўйича ўтказилган “Сайёхлик ўйналишлари бўйича” иқтидорли болаларнинг 8-слётида қатнашдик. Унда ўтказилган турли спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз иккинчи ўринни эгаллаб қайтишиди. Иккинчи ўринни олиш ҳам ёмон эмас, албатта. Чунки, мусобақада туманимиздаги 40 та мактабнинг ҳаммаси қатнашганди... Менинг бу сўзлардан кейин мактаб ўқувчилари билан сұхбатлашгим келди.

### МЕҲНАТИНГ -ОБРЎЙИНГ

Халқимизда “Меҳнат обрў келтиради” деган гап бор. Чунки инсон қанчалик меҳнат қилса, у шунчалик куч-кувватга тўлади. Мактабимизда турли тўгараклар ишлаб турибди. Биз синфимиз билан Амалий санъат тўгарагига қатнашамиз. Бу ҳам меҳнат тўгарагининг бир тури бўлиб, турли газламалардан ўйинчоқлар ясашни ўрганимиз. Табиий материаллардан эса кўргазма учун буюмлар ясаймиз. Рангли қофоз ва газламалардан эртак қаҳрамонларини ясад, улардан ноанъанавий дарс соатларида фойдаланамиз. Тўгарагимиз раҳбари Ҳанифа опа Орирова бизга ўйинчоқларнинг қандай ясалишини ўргатадилар. Мактабимизда тез-тез тўга-

рак ишлари бўйича кўргазмалар ташкил қилиниб турилади. Бизнинг синф ўқувчилари яқинда ўтказилган шундай кўргазмаларнинг бирида биринчи ўринни эгаллади. Биз бундан жуда хурсанд бўлдик. Куни кеча жияним Тоирнинг туғилган куни бўлди. Мен унга ўзим тиккан чиройли кучукчани совфа қилдим.

Мен келажакда шифокор бўлмоқчиман. Ойижоним, Шифокор дори-дармон билан эмас, ширин тили билан беморларни оёққа турғазади, дейдилар. Мен ҳам ойижоним айтганларидек яхши муомалали шифокор бўлишни ҳоҳлайман.

Тоҳир ЎТЕГЕНОВ.  
6 - синф ўқувчиси.

### БИЛИМЛИ БЎЛИШ УЧУН УҚУВ КЕРАК

Бу сўзларни менга доим дадам ва ойим уқтириб келадилар. Улар менга жуда кичкиналигимдан санаш, ўқишини ўргатишган. Мактабга қатнай бошлаганимдан сўнг дадамлар менинг назоратларига олдилар. Улар ҳар куни менга бирор ҳикояни ўқитиб кўрардилар. Яхши ўқий олмасам, куни бўйи дарсхонамдан чиқармасдилар. Ойижоним ёнимга тушсалар, уларни ҳам уришиб берардилар. Хозирги кундаги ютуқларим ўша кунларнинг маҳсулни бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки адамлар ва устозларим ёрдамида жуда кўп ютуқларни қўлга киритдим. Республика бўйича ўтказилган “Инсон саломатлиги ва экология” кўрик танловида “Оила ва экология болалар нигоҳида” кўрик танловида қатнашиб, совринли ўринларни эгалладим. “Оила ва экология- болалар нигоҳида” кўрик танловида менинг чизган расмларим иккинчи ўринни эгаллади. У ерда мен таникли рассом Рузи Чориев билан учрашдим. Улар менга расм чишини нозик сирларини ўргатдилар. Мен ишлаган расмларни кўриб, уларни яхши баҳоладилар ва эсадлик учун расмларим тагига дастхатларини кўйиб бердилар. Мен кўрик танловдан бир олам таассуротлар билан қайтдим. Келажакда эса ўз иқтидорим, яхши ўқиши билан мустақил юртимизни равнақи учун ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Озод ва обод юртимизнинг муносиб фарзанди бўлиш учун ҳаракат қиласман.

Нуржамол БЕРДАЛИЕВА,  
10-синф ўқувчиси

### ГАЗЕТАМ - ДОИМИЙ ҲАМОРОҲИМ

2000- йил учун ҳам синфимиз билан обуна бўлдик.

Газетанинг кейинги сонларида эълон қилинган Конституция ҳақида саҳнавий кўринишни мактабимиз саҳнасида намойиш этдик. Бу барча устозларимизга манзур бўлди. Хуллас “Тонг юлдузи” бизнинг доимиий ҳамроҳимизга айланган. Газетага обуна бўлишни бошқа тенгдошларимга ҳам маслаҳат берардим.

Шахноза ХЎЖАЕВА,  
5- синф ўқувчиси.



Саҳифани Озода ТУРСУНБОЕВА тайёрлади.

Buzurgmehr so'zga og'iz ochib dedi:  
Uztozimdan savol aylardim, u javob  
qaytardi:  
Dedim:

- Ey ustoz, xudodan nima tilayinki,  
unda jami yaxshiliklar jamul-jam  
bo'lsin?

Dedi:  
- Uch narsa: sihatlik, eminlik va  
tovongarlik.

Dedim:  
- Ishlarimni kimga ishonib qoldiray?  
Dedi:

- Ul odamgaki, asl shohista bo'lsa.  
Dedim:

- Kim bilan emin bo'lay?  
Dedi: - Hasadho'r bo'limgan do'st  
bilan.

Dedim:  
- Bihishtga sazovor qiladigan narsa  
nedur?

Dedi:  
- Yoshlikda ilm olmoq, haq ishi bilan  
bo'lmoq.

Dedim:  
- Odamlar oldida mu'tabar etadigan  
ayb nimadir?

Dedi:  
- O'z hunaridan voqif etmoqlik  
Dedim:

- Do'st noshoista va nomaqbul chiqsa,  
u bilan orani qandoq qilib uzmoq  
kerak?

Dedi:  
- Uch vosita ayla: Ziyoratiga ko'rishga  
kam borish, hol so'ramaslik va hojat  
istamaslik.

Dedim:  
- Ishlar harakatga bog'liqmi yoki  
taqdirda? ~~КАОГИДО~~

Dedi:  
- Harakat taqdirni yaratadi.

Dedim:  
- Yoshlardagi qaysi hislatlar qadrli va  
keksalardagi qaysi yaxshiliklar afzal?

Dedi:  
- Yoshlardagi andisha-yu jasorat va  
keksalardagi donishmandlik hamda  
sokinlik.

Dedim:  
- Kimdan o'zimni tortay, toki oramiz  
uzoq bo'lsin?

Dedi:  
- Laganbardor, xushomadgo'y,  
firibgar, hasis, birovning haqiga  
hiyonat qiladigan odamlardan.

Dedim:  
- Saxyi kim?

Dedi:  
- Ulkim saxovat etsa-yu, dilshod  
bo'lsa.

Dedim:  
- Ul nimadir, odamlar izlashadi-yu,  
istagancha topisholmaydi?

Dedi:  
- Uch narsa: Sihatlik, shodlik,  
muxlis do'st.

Dedim:  
- Yaxshilik maqbulmi yoki  
yomonlikdan nari yurish?

Dedi:  
- Yomonlikdan nari yurish jami  
yaxshiliklarning debochasidir.

Dedim:  
- Ayb sanaladigan hislat nedur?

Dedi:  
- Saxovat, magar u minnatli bo'lsa.

Dedim:  
- Donishmandlikdan dalolat beruvchi  
fazilat nedur?

Dedi:  
- Rostgo'ylik.

*Sharqning buyuk tabibi faqat tabobatga oid asarlar  
bitib qolmay, falsafiy-ahloqiy mavzularga ham qo'l  
urgan. Uning Zafarnoma deb atalgan pand-o'gitlari  
shular jumlasidandir. Asrlar oshgan bo'lsa hamki,  
bu asar o'z ahamiyatini yo'qtgani yo'q.*

Dedim:

- Mardlikdan dalolat beruvchi jasorat  
nedur?

Dedi:

- Agar qodir bo'lsang kechirmoq.

Dedim: - Oqillarning qiladigan

Dedim:

- Xorlik nedan?

Dedi:

- Tanballik va badahloqlikdan.

Dedim:

**Abu Ali ibn Sino**

## ZAFAR NOMA

yaxshiliklarning qay biri qadriroq?

Dedi:

- Yomonni yomon  
yo'ldan qaytarishlari.

Dedim:

- Odamlarning  
qilmishlaridan qay  
biri ziyonliroq?

Dedi:

- Ula rning  
odamlardan yashirib  
bo'lmaydigan jami  
ayablari.

Dedim:

- Tiriklikning qay  
bir soatlari zoye  
ketgan hisoblanadi?

Dedi:

- Birovning haqiga  
yaxshilik qilish  
imkon bo'lib, uni  
darig' tutgan daqiqalar.

Dedim:

- Kimning o'gitlariga quloq tutgan kishi  
xor bo'lmaydi?

Dedi: - Avval muallimlarning keyin  
oqillar va ota-onaning.

Dedim:

- Hayotning halovati nimada?

Dedi:

- Farog'at va eminlikda.

Dedim:

- O'limdan battari nedur?

Dedi:

- Benavolik.

Dedim:

- Do'stlikni barbob qiladigan illat  
nedur?

Dedi:

- To'rt narsa: Buyuklarning baxilligi,  
donishmandlarning xudpisandligi,  
ayollarning behayoligi, erkaklarning  
yolg'onchiligi.

Dedim:

- Odamlarning ishini barbob qiladigan  
narsa nedur?

Dedi:

- Sitamkorlarning ta'rif.

Dedim:

- Dunyo kimlardan tovondor?

Dedi:

- Donishmandlardan.

Dedim:

- Netayki, tabibga hojat qolmasin?

Dedi:

- Kam yeb, uxlab, kam so'zla.

Dedim:

- Odil kim?

Dedi:

- Kam gapirib, ko'p tinglaydigan,  
ko'p biladigan.

- Ranj nedan?

Dedi:

- Yolg'izlikdan.

Dedim:

- Hamiyatu  
nomusni barbob  
etadigan narsa  
nedur?

Dedi:

- Ta'ma.

Dedim: - Jahonda  
ustunlik nedan?

Dedi:

- Be minnat  
hokisorlikdan va  
sahovat ko'rsatib,  
mukofotdan voz  
kechmoqlikdan.

Dedim:

- Dunyoda nima  
nishli (zaharli)?

Dedi:

- Ikki narsa: podshohlarning tundligi  
va tovondorlarning baxilligi.

Dedim:

- Hoksorlik nedur?

Dedi:

- Yuzi yorug' va o'z-o'zidan  
mammunlikdir.

Dedim:

- Kimdan tadbir so'rayin?

Dedi:

- Uch fazilatl: pok, yaxshilarga  
muhabbat qo'yan va bilimdon  
odamlardan.

Dedim:

- Yaxshilarning yaxshiligi nimada?

Dedi:

- Hokisorlik, beminnat saxovat  
hamda ta'ma qilinmagan xizmatida.

Dedim:

- Odamlar hushhol eslab yuradigan  
narsa nimadir?

Dedi:

- Uch narsa: muomalada zug'm  
o'tkazmaslik, til bilan birovni  
ranjitmaslik.

Dedim:

- Bilim olsam, nimaga erishaman?

Dedi:

- Agar bechora bo'lsang, buzurgu  
nomdor bo'lasan, gar qashshoq  
bo'lsang, tovongarga aylanasan, agar  
mashhur bo'lsang, tag'in ham  
mashhurroq bo'lasan.

Dedim:

- Ul nimadir, yeyilmaydi, lekin  
kishini to'q tutadi?

Dedi:

- Yaxshilar suhbat, yor



diyordi, yarashiq chopon, mu'tadi  
hammom, muattar hid.  
\* \* \*

Luqmoni hakimdan:

- Dono kim?- deb so'radilar.

Dedi:

- Dunyo ne'matlarini oxiratgacha  
saqlamagan kishi.

Deyishdi:

- Tovongar kim?

Dedi:

- Aqli to'kis kishi.

Deyishdi:

- Hech kim bilmaydigan,  
ko'rmaydigan lekin intiladigan manzil  
nedur?

Dedi:

- Oqibat.

Deyishdi:

- Bahramand bo'ladigan kishini oxir  
oqibatda qurban qiladigan shirinlik  
nedur?

Dedi:

- Hasad.

Deyishdi:

- Harob bo'lmaydigan bino nima?

Dedi:

- Adolat.

Deyishdi:

- Oxir oqibatda achchiq narsaga  
aylanadigan shirinlikchi?

Dedi:

- Shoshmashosharlik.

Deyishdi:

- Qanaqa libos hech qachon  
eskirmaydi?

Dedi:

- Yaxshi nom.

Deyishdi:

- Qaysi dushman hamma do'stlardan  
ko'ra yaqinroqdir?

Dedi:

- Nafs.

Deyishdi:

- Odamlar qaysi kasallikni  
davolashdan ojiz?

Dedi:

- Ablahlilikni.

Deyishdi:

- Qaysi darddan odamlar o'zlarini  
chechkaga olmaydilar?

Dedi:

- Ishqdan.

Deyishdi:

- Hamma pastlikdan past bo'lgan  
balandlik nadur?

Dedi:

- Kibrlik.

Deyishdi:

- Qaysi libos erkagu-ayolga yaxshilik  
olib kraldi?

Dedi:

- Rostligu poklik.

Deyishdi:

- Uyqu nima?

Dedi:

</

Темурийлар тарихи Давлат музейининг деворларига ишланган "Буюк Соҳибқирон- буюк бунёдкор" учликни тамоша қиларкан-сиз, ўзингизни гўё ўша даврга тушиб қўлгандек ҳис қиласиз. Ундағи янгича ранглар жилоси сизни ўзига мафтун этади. Мана шу иш учун унинг ижодкорлари Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишганди. Улар орасида гран фестиваль голиби, Халқаро уста номини олган Хуршид ака Назаров ҳам бор эдилар.

Истеъодли мусаввир Хуршид акангиз ҳам сиз каби мактаб парта-ларида таълим-тарбия олганлар. Ўкувчилик давлариданоқ Алишер Навоий, Фузулий, Нодира ва Ҳайсий ғазалларини севиб ўқидилар. Уларнинг асарларига чизгилар бердилар. Ўша пайтларда таникли рассом Чингиз Аҳмаров билан учрашдилар. Керакли йўл-йўриклилар олдилар. Шундан буён Хуршид ака Чингиз Аҳмаровни ўз устозлари деб биладилар. Устоздан олган сабоқлари Хуршид акани собиқ Бенъков номидаги Республика Бадиий билим юртининг ранг-тас-вир бўлимига етаклади.

Хозирги кунда эса Маданият вазирлигига қарашли Халқ амалий санъати усталарининг "Усто" бирлашмасида миниатюрачи рас-сом бўлиб ишлаб келаяптилар. Яқинда миниатюрачи рассомимиз "Анқара-99" Халқаро кўргазмасида иштирок этиб қайтилар. Улар билан учрашиб таассуротлари би-дан қизиқдик.

Маълумки, бундай кўргазма-

ларда охирги уч йил ичидаги ўзбекистонликлар иштирок этишмаси-тган эди. Бу йил эса менга ўзбекистонликлар номидан вакил бўлиб иштирок этиш насиб этди. Бундан жуда баҳтиёрман. Бу кўргазмага каштачилик, кулолчилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, халқ чолгу асбоблари, пичоқчилик албатта миниатюра каби халқ амалий санъати кўйилди. Кўплаб дав-

римиз юқори баҳоланди. Ҳатто "санъатларнинг санъати Ўзбекистонда экан" деган хитоблар янгради. Бу гаплар шунчалар ёқимили эдик...

Ўн кун давом этган кўргазмага минглаб одамлар ташриф буюришиди. Улар орасида ёшлар, ўкувчиликлар ҳатто боғча болалари ҳам бор. Айниқса, болалар синфма-синф бўлиб, қайта-қайта келишди. Уларни ўкувчи эканлигини дарров аж-



бўлсин диққат билан разм солишиди. Ҳатто мактаб ўкувчиларининг ҳам ана шундай ишларни бемалол бажаришларини эшишиб, уларга ҳавас қилишди.

Чиндан ҳам бизнинг фарзандларимиз халқ амалий санъатига жуда қизиқадилар. Айниқса мусаввир бўлишни хоҳлаган болажонларга шуни айтмоқчиманки, уларнинг бу қизиқувчанликлари ҳеч қачон сўнмасин. Ўткинчи қийинчиликлар олдида довдираб қолмасинлар. Миниатюра асарларига меҳр кўйганлар аввало тарихимизни чуқур билишлари керак. Ана шундагина ҳатти-харакатлар, либъослар ўз ўрнида ишлатилади ва асар жонли, ишонарли чиқади.

Хуршид аканинг нақшинкор миниатюра асарлари билан безатилган турли шаклдаги қутичалари, нафис ранг-тасвирлари, сержило нақшлари катталар қатори болаларни ҳам гўзаллик оламига етаклади. Зоро гўзаллик дунёни кутқаради, деган гапимиз ҳам бор.

**Феруза ОДИЛОВА.**



латлардан, жумладан, Германия, Туркия, Бразилия, Эрон, Покистон, Малайзия, Украинадан вакиллар иштирок этиди. Шулар орасидан бизнинг кўл санъати ишла-

ратиб олиш мумкин. Болалар ўта қизиқувчан. Бизга саволларни ёғдириб ташлашди. Ҳар бир ишларни хоҳ у каштачилик бўлсин, хоҳ ёғоч ўймакорлиги

## ЎЗБЕКИСТОН

Шеърни ёд олинг

Суви новвот, ери олтин,  
Узун тунлар ўтар сокин,  
Ёргу кунлар пок муҳаббат,  
Бахтни қучиб ётар фақат.  
Кўнглимдаги илк ҳаяжон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Ватан- дейди Усмон Носир,  
Ватан она- ёлғиз ахир,  
Бахтга чўмған нурли тақдир,  
Дилим тоза, сўзим ҳақдир,  
Сўзимдаги мангу армон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Осмон ўпар тоглари бор,  
Мевага кон боғлари бор.  
Юрагида додлари бор,  
Жаннатмакон қурдик диёр,  
Богларида ўсар раҳон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Кетган қушлар қайтиб келар,  
Шодон қўшиқ айтиб келар,  
Шамоллари қорни элар,  
Табиатни зарга белар,  
Тўрт фаслга боқдим ҳайрон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Майсаларни тили ширин,  
Мажнунтоллар берар салом,  
Фаришталар билар сирин,  
Сумалакдир азиз таом,  
Наврўз келар шошиб бу он,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Бугдойзорлар пишиб ётар,  
Зумрад тонглар кулиб отар,  
Кўрган кўзга ҳавас отар,  
Хаёлимни недир тортар,  
Олов пуркар зўр саратон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Бахмал кўрпа, сариқ япроқ,  
Кучоғингдан кетсам ийроқ,  
Дилни ўртар согинч фироқ,  
Мехрим сенга тенгсиз булок,  
Нечун тилим эмас бийрон.  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Деҳқонларинг тиним билас,  
Машақатли кузга илмас,  
Шуҳрат учун меҳнат қилмас,  
Куйламасам энди бўлмас,  
Манзил ийроқ, ийлим равон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Куйлаб ўтди Зафар Диёр,  
Тупроги зар, гўзал диёр.  
Кунлар ўтар меҳнатга ёр,  
Тўйлари айтиб ёр-ёр,  
Меҳмон кутар лабзи ҳалол,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Нон ёнилар, тандир тўлиб,  
Фарзандлари ўсар кулиб,  
Эрка қизлар юрап кулиб,  
Шўх ўигитлар ошиқ бўлиб,  
Муҳаббати тилга пинҳон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Ёлғиз отам, азиз онам,  
Мехри буюк ёргу хонам,  
Ярқираган кенг пешонам,  
Яхши кундан шу нишонам,  
Кўзи зийрак шўх болажон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

**Саодат ОЛИМОВА ,**  
**63-ўрта мактаб ўқитувчisi,**  
**Лойиш шаҳарчаси.**

## ТУГИЛГАН КУН

Менинг исмим Жасур. 9-синф ўқувчисиман. Ҳаммага аёнки, 9-синфлар битириувчи ҳисобланади. Бунинг устига мен ўқиётган мактаб ҳам 9 йиллик. Юқори синфда ўқишни хохлаганлар бошқа мактабга ўтишади. Бу йил ҳаммамиз мактабни битириш араfasida турганимиз учун туғилган кунларни нишонлаш синфимизда урф бўлди. Синфдошларимнинг туғилган кунларига ҳаммамиз бир бўлиб йигилишиб борамиз ва бирга қайтамиз. Ҳадемай менинг ҳам туғилган куним келади. «Беш қўл баравар эмас», деганларидек, назаримда мен дўстларимчалик туғилган кунимни нишонлаб беролмасам керак. Оилада биттагина ўғилман. 4 та синглим бор. Дадамлар ўтган йили автоавария туфайли ногирон бўлиб қолганлар. Бунинг устига битта синглим ҳам ногирон. Ойимлар ҳам тез-тез касал бўлиб турадилар. Уйимиздаги шу шароитни кўра-била туриб, мен қандай қилиб ойимга ёки дадамларга: -Туғилган кунимни нишонлаб беринг,- деб айта оламан? Бу билан мен ҳеч қачон синфдошларимни меҳмонга чақирмайман, демоқчимасман. Мактабни битириб, бирор ҳунар эгаси бўлсам, мен ҳам синфдошларимни чақириб, туғилган кунимни катта байрам қилиб бераман, деган ниятим бор. Ҳозир эса бунинг иложи йўқ. Ахир дадам ва синглимга бериладиган нафақа пули билан оила тебратадиган ойижонимни ҳам ўйлашим керак-ку. Бундан ташқари, қишида ҳаммамизга иссиқ кийим-бош керак. Синфдошларим мени тушунишармикин ёки туғилган кун нишонлашнинг бошқа йўллари ҳам борми? Азиз тенгдошлар, менга маслаҳат беринг.

**Жасур САЛИМОВ,**  
Сурхондарё вилояти,  
Денов тумани.

## ДУГОНАМНИ РАНЖИТИБ ҚЎЙДИМ...

Менинг исмим Ситора. Табиатан шўх, шаддод бўлганим учун мени қизлар «қақажон» деб чақиришади. Менинг энг яқин дугонам, сирдошим бор эди. У билан опа-сингилдек эдик. У анчагина босиқ қиз, юз-кўзларида аллақандай мунг бордек туюларди менга. Унинг исми Дилфуз. Уйдаги барча юмушлар унинг бўйнида эди. Кир ювиш, ўкаларига қарашиб, супрессидир... Баъзида унинг ишларига мен ҳам ёрдамлашиб турардим. Дилфузанинг битта акаси, иккита укаси бор. Ойиси ҳам аллақаерда ишлайди, эрталаб кетиб, кечкурун келарканлар. Лекин мана икки-уч ойдирки, унинг дадаси уйларидаги кўринмайди. Бирор жойга кетгандирлар, деб ўйлади.

Бир куни Дилфуз синфда мени ёнига чақириб олди ва: «Дугонажон, сенга бир гап айтаман, фақат ҳеч кимга айтмагин. Ахир сендан бошқа сирдошим йўқ-ку», деди. - Гапирақол, -дедим мен. Шунда унинг кўзларида ёш айланди. Кўрқиб кетдим: - Тинчликми?- деб сўрадим. Кейин Дилфуз оиласида қийинчилик бўлгани учунми, билолмадим, дадаси уларни ташлаб кетганини йиглаб-йиглаб айтиб берди. Этим жимирилашиб кетди. Ахир уларни уйингизда кўрганимга унча кўп бўлмади-ку. Нега?-деганимни биламан, Дилфуз



қаттиқ йиглаб юборди. Уни зўрга тинчлантиридим. Дилфузу бу сирни ҳеч кимга айтмаслигимни яна бир бор илтимос қилди. Мен ҳам унга сўз бердим.


Бир куни синфдошимиз Ферузанинг туғилган кунига совга учун пул йига бошладик. Дилфуз ҳадеганда пул беравермади. Шунда Шоҳида: - Дадангдан сўрай қолгин, сенга қараб турибмиз совга олмай,-деди. Дилфузанинг ранги оқариб кетди. У индамай синфдан чиқиб кетди. Шунда мен қизларга у пул бера олмаслигини, дадаси уларни ташлаб кетганини айтиб кўйдим. Лекин буни Дилфузанинг устидан кулиш учун эмас, балки қизлар уни кўпам сикувга олавермасликлари, дадаси ҳақида ҳеч ким гапирмаслиги учун айтгандим. Дарсга қўнғироқ чалинганда Дилфузанинг кўзлари қизариб кириб келди. Шу пайт Шоҳида: «Вақтлироқ айтмайсанми даданг ташлаб кетганин», -деб юборди. Дилфузу менга ялт этиб қаради. Тепамда нақд момақалдириқ гумбурландек бўлди. Чунки Дилфузу бу қараши билан менга « Сотқин» деяётгандек бўлганди. Дилфуз синфдан юргурганча чиқиб кетди. Мен Шоҳидага: - Бирпас жим туролмайсан-а, -деб унинг кетидан юргурдим. Лекин Дилфузу менинг барча тушунтиришларимга қарамай, -Сенга ҳам ишониб бўлмас экан,-деб мендан юз ўтириди. Орамизга совуқчилик тушди. Мен эса Дилфузу билан аввалгидек дугона бўлиб қолишини хоҳтайман. Нима қилсан унинг кўнглига йўл топа оламан?

**Ситора ТУРСУНОВА,**  
Тошкент вилояти,  
Юқори Чирчиқ тумани.

## КУНДАЛИК Дафтар

Менинг исмим Наргиза. Оилада бир ўғил ва бир қизмиз. Акамнинг исми Ботир. Мактабни битиргандар. Мен эса 9-синфда ўқийман. Тўғрисини айтсан, сал одамовироқман. Ҳамма билан дўстлашавермайман. Яна мени димоғдор қиз экан, деб ўйламанг. Дугоналарим кўп, лекин қиз бола катта бўлгани сари унинг сирлари ҳам катталашиб бораверар экан. Унинг қандайдир яқинроқ сирдоши бўлишини хоҳлар экан. Мен яқинда «Чоликуши» китобини ўқиб чиқдим. У Фариданинг кундалиги асосида ёзилган китоб экан. Менинг ҳам Фаридага ўхшаб кундалик туттим келди. Унга ўзимнинг ҳеч кимга айта олмайдиган сирларимни ёза бошладим. Бўш вақтларимда уни бошидан варақлаб ўқиб чиқишини ёқтираман.

Бир куни кундалигимни дарсликларимга қўшиб сумкамга солиб юборибман. Иккичи соатга чиқишига та-наффус бўлганида Шаҳноза мендан алгебра китобимни бериб туришимни сўради. - Сумкамдан олавер, деб синфдан чиқиб кетдим. Синфдошларимга ўзимга ишонгандек ишонардим. Лекин... Мен уйга келиб, кечкурун одатдагидек дарсларимни қилиб бўлгач, кундалигимни варақлагим келди. Уни роса қидирдим. Мени хонамга ўзимдан бошқа ҳеч ким кирмайди. Шунинг учун уйдагилардан сўрамадим. Эртаси куни мактабга бориб, синфимизга яқинлашар эканман, ундан қаттиқ кулгу овози эшитилди. Эшикни очиб кирдим-у, котиб қолдим. Шаҳноза қўлидаги менинг кундалигимни синфдошларимга



ўқиб бераётган эди. Киришимни ҳам, кирмаслигимни ҳам билмадим. Лекин Шаҳнозага шунақангি қарадимки, беихтиёр унинг кўлларидан кундалигим ерга тушиб кетди. Мен уни олмоқчи бўлиб юргандим, синф бошлигимиз Зилола уни қўлига олди-да: -Буни синф раҳбаримиздан оласан, -деди. Кундалигим синф раҳбаримиз қўлига тушди. Улар мени роса койидилар ва синфдошларим орасида кундалигимни ўз кўлларим билан йиртиб ташлашимни айтдилар. Мен ачиқ алам устида шундай қилдим ҳам, бироқ...

Айтинг-чи, кундалик тутиш айбими ёки бизни ёшдагиларга ҳали эртами?

**Наргиза СОБИРОВА,**  
Тошкент вилояти,  
Юқори Чирчиқ туманидаги  
26- мактабнинг ўқувчи.

## АЯМЛАРНИНГ АЙБИ НИМАДА?

Бу мактубимни сизларга ёзишдан аввал роса иккиландим. Охири ёзишга жазм қилдим. Ёшим 14 да. Ўғил бола бўлганим учунми, ёшимга нисбатан каттароқ кўринаман. Маҳалламидағи қўни-қўшнилар бизнинг оиласизга ҳавас билан қарашади. Оилада З фарзандмиз, мен ва иккита синглим. Аямлар заводда ишлайдилар. Дадамлар ҳайдовчи бўлиб ишлардилар. Яқингача оиласизда тинчлик, ҳаммамизнинг юзимиздан табассум аримасди. Айниқса, дадамлар ишдан қайтгандарида яна ҳам байрам бўлиб кетарди. Нима ҳам бўлди-ю, дадам ишдан бўшайдиган бўлиб қолдилар. Ўша кундан бошлаб бизнинг ўйимиздан тинчлик йўқолди. Дадам эрталаб удан чиқиб кетиб, кечкурун ичиб қайтадиган, бунинг устига жанжал кўтариб, аямни урадиган одат чиқардилар. Авваллари дадамни келишини интиқлик билан кутадиган бўлсак, энди юрак ҳовчулаб кутадиган бўлдик. Бир куни адамлар яна ичиб келдилар. Ёмғир ёғаётгандиги учун уст-бошлари хўл, лой эди... Биз ошхонада чой ичиб ўтиргандик. Аяжоним дарров туриб, дадамни кўлларидан ушладилар. Бир томонларига мен бордим. Улар ошхонага кирдилар. Сингилларим кўрқанларидан бир бурчакка кириб олишганди. Дадам чойнакдаги чойни ичаман, дедилар. Аяжоним қуйиб бермоқчи бўлиб қўлларини узатган эдилар, дадам чойнакни кўлларини устига ағдариб юбордилар. Аяжоним кўллари бирпазда қип-қизил бўлиб, пухакча бўлиб қолди. Шу кун эрталабгача аяжоним ҳам, мен ҳам ухламадик. Уларнинг қийналаётгандирини кўриб, менинг ичимни алланима тирнарди. Эрталаб эса аям ҳеч нарса кўрмагандек, дадамларга чой дамлаб бердилар. Улар билан яхши гаплашдилар. Улардан аҳволларини сўради.

- Ҳеч нарса қилмайди, даданг билмайдилар, - дедилар. Шундай десаларда, аслида нима бўлганини биз ўз кўзимиз билан кўрдик-ку. Баъзида дадамга аяжонимнинг айби нима ахир?- дегим келади. Менинча, аямдек меҳрибон аёл дунёда йўқ. Нега буни дадам тушунмайдилар?

**Сардор ЭШОНХУЖАЕВ,**  
Тошкент вилояти,  
Ўрта Чирчиқ тумани.

1999

йил 23 декабрь.

# ТОНГ ЮЛДУЗИ


7






## МЕН ҲАМ РАССОМ БҮЛАМАН

Устозимиз «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонини ўқишишимизни назорат қилиб турадилар. Газетада бериладиган «Тенгдошларинг ижоди» саҳифаси менга жуда ёқади. Мен ҳам келажакда рассом бўлиб, юртимиз манзаралари, юртдошларимиз сурат ва сийратларини мангуликка муҳрласам, дейман. Ўзим чизган суратларимни сизларга юбораяпман. Лозим топсангиз чоп этарсиз, деб

**Умиджон ИБРАГИМОВ,  
Собир Раҳимов туманидаги  
22- мактабнинг 6-»А» синф ўқувчиси.**



*Расмни бўянг.*



*Учта фарқни топинг*

*Тўртта фарқни топинг*



Эркин УСМОНОВ

**ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:**  
Қўзивои - 4- «А» синф ўқувчиши.  
**СўМАЛИКА:** - 4-«А» синф ўқувчиши.

**ЯЛМОФИЗ КАМПИР** - Эртаклар қаҳрамони.

**АЛДАР КЎСА-** Латифалар қаҳрамони.

**ҲОШИМЖОН** - «Сехрли қалпоқча» асарининг қаҳрамони.

**БОЛА, ҚИЗЧА** - 4- синф ўқувчилари.

(Мактабда «Арча байрами» бошланишига саноқли соатлар қолган. Болалар бирин-кетин залга кириб келишяпти.)

Эшик олдида турган Ялмоғиз кампир билан Алдар кўса бўлса, болаларни тўхтатиб уларга топишмоқ айтишади, топганларни киритишади, тополмаганларни ичкарига ўтказишмайди.

(Ялмоғиз билан Алдар Кўса шундан хуноб.)

Ялмоғиз - Э, қўие, яна кимсан, Алдар Кўсамишсан-а?.. Шу жимитдек-жимитдек болакайларни топишмоқ айтиб мот қиломасанг-а?.. Алдар Кўса - Ҳаммаси жуда ақли, жуда билағон болалар эканда, Ялмоғиз буви. Ҳар битта топишмоғимга жавоб топиб туришса, мен нима қиласай?

Ялмоғиз - Ўл қил, дард қил, Кўсавой. Менга қўйиб бер, топишмоқ айтишни,

Алдар Кўса - Ўзингиз айтганларнингизни ҳам топиб ташлашди-ку.

Ялмоғиз - ( сир бой бермай) Мен ўзим уларни синаш учун атайнин осонроқ топишмоқлар айтдидамда:

Алдар Кўса - Унда нима қиласай, буви?

Ялмоғиз - Ҳайронман. Болалар ҳамма топишмоқларимизга жавоб топиб «Арча байрами»га кириб кетаверишса, ичкарида ўйнаб-кулиб, совға-саломлар олаверишса, ҳализамон Аёз хола, Сувуқжон, Сумалак бойвачча, Чалавой, Изғиринбекларни етаклаб келиб қолсалар, икковимизни дабдаламиз-ни миқариб ташлайдилар-ку.

Алдар Кўса - Ҳа, Аёз холанинг жаҳли ёмон. «Нега топшириғимни бажармадинглар» деб додимизни беришлари мумкин. Иш чатоқ-куа?.. Нима дейсиз Ялмоғиз буви, болаларни алдаб кўрсаммикан?

Ялмоғиз- Кимсан, Алдар кўса бўлсанг, алда-сулда, лақиллат.

Алдар Кўса - Ҳаракат қилиб қўраман. Сиз ҳам томоша қилиб турманг-да.

Ялмоғиз - Ҳали Аёз хола келсин, ўшанда қўраман томошангни.

Алдар Кўса - Унақа қилмангла, энди... Ия, қаранг, яна иккитаси келяпти.

## «ТОПГАН ТОПАЛОК» ЁКИ ТАЛЬИЛ КУНЛАРИНИНГ БИРИДА

### МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ

Ёзувчи Эркин Усмонов газетамизнинг энг фаол муаллифларидан бири.

Эркин акангизнинг биринчи ҳикоялари қарийб 35 йил муқаддам газетамиз саҳифаларида эълон қилинган ва ўзи ҳам адабиётдан илк сабоқларни шу таҳририят қосидағи «Ёш қаламкашлар» тўгарагида олган.

Эркин акангиз ҳозирда «Гунафша», «Олам нурга тўлади», «Туш кинога ўҳшайди», «Ёстиқдек китобдан уч саҳифа» сингари қатор китобларни шу таҳририят қосидағи «Ёш қаламкашлар» тўгарагида олган.

Ялмоғиз- Тайёрлан.

Алдар Кўса - Тайёрман.

Ялмоғиз- Бў-шаш-ма.

Алдар Кўса - Сиз ҳам бувижон.

(Қўзивои билан Малика эшикка яқинлашишиади)

Қўзивои - Ассалому алайкум, бувижон.

Ялмоғиз - Хап саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим.

Малика - Ассалому алайкум, амаки.

Алдар Кўса (норози тўнғиллаб) - Амакинг ўзининг уйида мазза қилиб телевизорда мультифильм тамоша қилиб, ширин чой ичиб ўтиргандир... Амаки эмиш-а. Хўш, келинглар.

Қўзивои - Келдик.

Ялмоғиз - Нимага?

Малика - «Арча байрами»га

Алдар Кўса - Нечанчи синфда ўқисизлар?

Қўзивои- 4- «А» синфида.

Кўзивои  
Инсонлар  
Кўзивои  
Алдар Кўса  
Малика

Ялмоғиз - Неча баҳо оласизлар?

Малика - Ҳар хил ... тўрт, беш.

Ялмоғиз- Нега энди «бир» эмас?

Алдар Кўса- Нега энди «икки» эмас?

Малика - Вой, манавиларни.

«Бир- икки» ёмон баҳолар-ку.

Ялмоғиз- Бўлмаган гап. «Биринчи, иккинчи» ўрин яхшими ё

«тўртинчи, бешинчи» ўринларми?

Қўзивои - «Биринчи» ўрин яхши...

Алдар Кўса - Ана кўрдингни?

Яна «тўрт» баҳо оламиз... Беш баҳо

оламиз, дейсизлар.

Малика - Ёлғон галирятисизлар.

Биз фақат «тўрт-беш» баҳога ўқиймиз.

Ялмоғиз - Ия, бу қизалоқ чатоқ экан-ку. Қани, Алдар кўса

лар Уюшмасининг аъзоси. Кўн йиллардан буён Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида хизмат қилиб келади.

Суратда кўриб турганингиз эса, Эркин Усмонов ўғилчasi Отабек билан. Отабек Тошкентдаги А.Дўстматов номли 81- мактабнинг 4- синфида ўқыйди.

Кўида ёзувчининг сиз болаларга атаб ёзган янги пъесасини ҳавола этамиз. Адасининг айтишича, ушбу асарнинг ёзилишига Отабек ҳам яқиндан ёрдам берибди.

буни бир дабдаласини чиқарип ташла-чи?

Қўзивои (енгларини шимариб, каратэ тушаётгандек ҳаракат қила-ди) - Қўлингизни тегизинг-чи. «И- ия, ху-ув» десам чалпакдек чўзилиб ерда ётасиз.

Алдар Кўса - Ҳой, ҳой, ҳой. Қўлимни тегизмайман. Вой, кара-тэчи-еи. Икковингга биттадан то-пишмоқ айтамиз, холос. Жавобини тўғри топсанглар, бўлди, ичкарига кираверасизлар, бўлмаса қайтиб кетаверасизлар...

Малика - Майли, айтинглар.

Алдар Кўса (хурсанд бўлиб) - Бўлмаса, ўзим бошлайман.

Ялмоғиз- Яна қовун тушириб ўтирма.

Алдар Кўса - Йўқ, икковини-ям мот қилиб ташлайман.

Ялмоғиз- Кўрамиз.

Алдар Кўса- Топган топалоқ,



тополмаган гирт аҳмоқ...

Ялмоғиз - Оббо, бошлайқол-санг-чи.

Алдар Кўса - Ҳўп, ҳўп...

Қўлсиз эланса элак,

Ёғар чексиз капалак.

Думалатсак юмалоқ,

Шакар эмас, ранги оқ.

Қўзивои - Қор.

Алдар Кўса - Топдинг, қойил.

Ялмоғиз - Э, қуриб кет, илойим... Мана мени топишмоғимни топинглар.

Алдар Кўса - Топган топалоқ...

Ялмоғиз - Сен энди жим тур, аҳмоқ. Ҳў-үш, яхшилаб эшитинглар.

Давоми бор.



Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

**Муассислар:**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРИР: Умид АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЬАТИ: Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора Йўлдошева, Хотам АБДУРАИМОВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Мукаррама МУРОДОВА, Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ, Музаффар ПИРМАТОВ, Феруза ОДИЛОВА, Эргашвой САРИҚОВ, Баҳодир ХАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида оғсет усулида 43.351 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма - K-7508 Газетани PENTIUM-II тмх компьютерида Абдуҳамид АБДУҒАФФОРОВ саҳифалади.

Рўйхатдан ўтишибартиби № 000137  
Манзилимиз 700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навоий кўчаси 30-й.

Тел: 144-62-34